

“Сув хужалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

1-Мавзу: Сув хўжалиги объектларини лойихалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш

1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойихалаштиришнинг аҳамияти ва вазифаси 2. Лойихалаштиришнинг асосий тамойиллари 3. Лойиха, ишчи ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни. 4. Лойихалаш ташкилотларининг структураси, функцияси. 5. Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш. 6. Қурилиш ташкилотларининг тизимлари.
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Сув хўжалиги объектларини лойихалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - лойихалаштиришнинг аҳамияти ва вазифаларини тушунтириш; - лойихалаштиришни асосий тамойилларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - лойиха, ишчи ҳужжатлар ва уларнинг мазмунини тушунтириш; -бозор муносабатлари шароитида лойихалаш ташкилотларининг структураси, функцияси ўзгариши ва ривожланишини тушунтириш; - лойихалаш ташкилотларини структураларнинг тутган ўрнини тушунтириш; -илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича тасаввур ҳосил қилиш. - қурилиш ташкилотларининг тизимларини белгиловчи омиллар бўйича тасаввур ҳосил қилиш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойихалаштиришнинг аҳамиятини ва вазифаларини изоҳлайди; - лойихалаштиришни асосий тамойилларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради; - лойиха, ишчи ҳужжатлар ва уларнинг мазмунини айтиб бера олади; -бозор муносабатлари шароитида лойихалаш ташкилотларининг структураси, функциясини ўзгариши ва ривожланишини айтиб бера олади; - лойихалаш ташкилотларини структураларнинг тутган ўрнини айтиб бера олади; -илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича тасаввурга эга бўлади. - қурилиш ташкилотларининг тизимларини белгиловчи омиллар бўйича тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гуруҳлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш” мавзусини вазифа қилиб берилган-лигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни куйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади: (1- илова).</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <p>-Бошқарув меҳнати ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?</p> <p>-Бошқарув меҳнатини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?</p> <p>-Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат?</p> <p>- Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш деганда нимани тушунасиз?</p> <p>- Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишлари нимадан иборат?</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. Янги мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздирди.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб Венна диаграммаси, Т-жадвалидан фойдаланиб, Сув хўжалиги объектларини лойихалаш, қуриш ва ундан фойдаланишнинг бири-бирига боғлиқлик хусусият-ларини, афзалликлари ва камчилик-ларини кўрсатиб беришни эълон қилади.</p> <p>4.3.Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

**«Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш» мавзусини
ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиш**

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Бошқарув меҳнати				
Меҳнатни рағбатлантириш				
Бошқарув меҳнатини баҳолаш				
Меҳнат харажатлари				
Технологик жараён				
Шарномавий муносабатлар				
Ижтимоий муносабатлар				
Инсоний муносабатлар				

1-илова

**Сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштиришни
белгиловчи омиллари**

Сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштириш вазифалари	Лойиҳа ечимларида учраб турадиган камчиликлар
қурилишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш	илмий техника тараққиёти ютуқларини ҳаётга жуда сузлик билан тадбиқ қилиниши
ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннархини пасайтириш	баъзи холларда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган объектларни лойиҳалаштирилиши ва қурилиши
илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш	лойиҳалашнинг узок муддатга чўзилиб кетиши, лойиҳалаш жараёнида ва қурилиш даврида лойиҳаларнинг кўп марталаб ўзгариб туриши
техникавий жиҳатдан илғор, юқори самара берадиган, янги техникани ва технологияни кенг жорий қилишга мослашган вариантларни қўллаш	объект сметаси қийматини аниқлашда кўпол хатоларга йўл қўйилиши
меҳнат унумдорлигини ошириш	бино ва иншоотлар архитектураси кўпинча бир-бирига ўхшаб қолиши

Лойиҳалаштиришнинг асосий тамойиллари
-Лойиҳалашнинг бир неча вариантли (оптимал энг яхши вариантыни танлаб олиш учун) бўлиши
-Лойиҳалаштиришнинг кетма-кетлиги. Бунда энг аввал мазкур қурилишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги асосланади, сунгра асосий технологик, конструктивлик, меъморчилик ва қурилиш ҳажмини режалаштириш ечимлари ҳал қилинади
-Бир ҳил типдаги лойиҳалардан фойдаланиш. Бу тамойил қурилишни индустрлаштиришни ривожига таъсир этади, қурилишда кўплаб завод шароитида тайёрланган унификациялашган деталлар ва қисмлар ишлатилади. Бир ҳил лойиҳадан кўплаб қайта-қайта фойдаланиш лойиҳа харажатларини тежайди, лойиҳа сифатини оширади ва унинг қийматини арзонлаштиради
-Лойиҳалаштиришнинг мажмуали шаклда бўлиши. Мажмуали лойиҳада асосий объектнинг лойиҳаси шу мажмуага кирувчи барча қўшимча объектларнинг лойиҳалари билан ўзаро боғланади

Қурилиш меъёрлари, қодалари ва ишларини ташкил қилиш

Амалдаги қурилиш меъёрлари (СНиП)	Лойиҳа смета ишларини ташкил қилиш
-Қурилиш материаллари, жиҳозлар, мосламалар ва ускуналар. Сарфлар ва ишлатиш меъёрлари	-техник – иқтисодий асосномани ишлаб чиқиш
-Бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш бўйича қурилиш ҳажмини режалаштириш ва конструктивлик ечимларини ҳал қилиш усуллари	-техникавий лойиҳа (лойиҳалашнинг мазкур босқичида қурилишнинг ва кейинчалик бу объектлардан фойдаланишнинг ҳамма асосий масалалари ҳал қилинади)
-Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва технологияси меъёрлари	-объектнинг ҳар бир бўлаклари бўйича ишчи чизмалари тайёрланади
-Смета меъёрлари ва қодалари	-техникавий ишчи лойиҳалар

Лойиҳа, ишчи ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни

- Тасдиқланган **ТИА** (техник иқтисодий асоснома) асосида лойиҳалаш учун топшириқ ишлаб чиқилади. Лойиҳалаш учун топшириқ лойиҳани буюртмачи ташкилот томонидан бош лойиҳачи ва пудратчини жалб қилиш орқали ишлаб чиқилади.

- Лойиҳани амалга оширадиган ташкилот лойиҳалаш учун топшириқ олгандан кейин унинг асосий қоидаларини кўриб чиқади, зарурат бўлса, қайта кўриб аниқлик киритади ва лойиҳа ишларини бажаришга киришилади.

Сув ҳўжалиги объектларини лойиҳалаштириш икки босқичда амалга оширилади.

- Бир босқичли йиғма сметалик ишчи лойиҳа техникавий жиҳатдан мураккаб бўлмаган ҳамда бир типдаги ва қайтадан ишлатиладиган самарали лойиҳаларни ишлатиш орқали объектлар қуришда ишлатилади.

- Икки босқичли йиғма сметалик лойиҳа техникавий жиҳатдан мураккаб бўлган объектларни қуришда ишлатилади.

Хулоса

Лойиҳалаш жараёнини бошқариш амалиёти бу сув ҳўжалиги объектини яратишнинг умумий қурилишини узлаштириш, яъни объектни лойиҳалашдан эксплуатация қилишгача булган жараён ҳисобланади. Босқичларда бажариладиган ишларнинг изчиллиги ва мазмуни тугрисидаги маълумотлар режалаштириш, тадқиқот ишлари, лойиҳалаш ва объектни қуриш буйича маълумотлар олинади. Лойиҳалаш буйича умумий низомни ва лойиҳа ҳўжатларига булган умумий талабни билиш зарур. Бунда асосий эътиборни лойиҳа-смета ҳўжатларининг сифат мезонига қаратиш лозим.


Сув ҳўжалиги объектларини лойиҳалашда лойиҳани ишлаб чиқиш тартибини келишиб олиш, экспертизадан утказиш ва тасдиқлаш ҳисобланади. Лойиҳа ишларининг бошқариш сув ҳўжалигининг лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва унинг ташкилий структурасидаги тизимда қуриб чиқишдир. Лойиҳалаштирилган сув қурилиши объектларини қуришга ва уни бошқаришда қурилишнинг алоҳида томонларига катта эътиборни қаратиш лозим, яъни бошқариш жараёнини тула узида акс эттирувчи томонларга қаратмок лозим.

Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Лойиҳалашнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Лойиҳа – смета ҳужжатларига нималар киради?
3. Лойиҳа ташкилотларнинг ташкилий структурасини тушунтиб беринг?
4. Лойиҳа ташкилотларнинг функцияларига нималар киради?
5. Лойиҳа ташкилотларида илмий – тадқиқот ишлари қандай ташкил этилади.
6. Техник иқтисодий асоснома нима учун керак?
7. Лойиҳа қидирув ташкилотлари фаолияти қандай амалга оширилади?
8. Қурилиш ташкилотлари тизимига қандай корхоналар киради?

1-Топшириқ. Лойиҳа ташкилотлари структураси ва Сув хўжалиги ташкилотлари структураларининг бир-бирига боғлиқлик хусусиятларини аниқланг?

1. ВЕННА ДИАГРАММАСИ



2. Т – жадвал


2-Топшириқ. Лойиҳа ташкилотлари структурасини афзалликлари ва камчиликлари

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	?

3-Тоширик: Сув хўжалиги объектларини лойиҳалашда ва қуришда вужудга келадиган муаммолар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



4-Тошриқ: Техник иқтисодий асоснома нима учун керак? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Техник иқтисодий асоснома нима учун керак? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.